

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

501 - СОН

2016 йил « 26 » август -

**«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК
ТИЖОРАТ БАНКИНИНГ «МАНФААТЛАР
ҚАРАМА-ҚАРШИЛИГИ ВАҚТИДА
ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ТАРТИБИ
ТЎҒРИСИДА»ГИ НИЗОМИ**

«Тасдиқланган»

Банк акциядорлари
Умумий йиғилишининг
2016 йил « 25 » июндаги
АС- 1 -сонли қарорига асосан

Банк акциядорларининг ҳисобот
умумий йиғилиши Раиси

 О.Олимжонов

Тошкент – 2016 йил

1-боб. Умумий қоидалар

1. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг «Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида»ги Низоми (кейинги ўринларда - Низом) Ўзбекистон Республикасининг "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармониغا ҳамда Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссияси йиғилишининг 2015 йил 31 декабрдаги 9-сонли баённомаси билан тасдиқланган «Корпоратив бошқаруви кодекси» талабларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган.

2. Мазкур Низом «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкида (кейинги ўринларда - банк) манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазиятлар юзага келишининг олдини олиш ва низоли вазиятларни бартараф этиш тартибини белгилайди.

3. Банк ўз фаолиятини амалга ошириш давомида банк (унинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари)нинг мулкӣ ёки бошқа кўринишдаги манфаатлари билан кредиторлар, контрагентлар ва бошқа мижозлар (кейинги ўринларда - мижозлар деб юритилади)нинг мулкӣ ва бошқа кўринишдаги манфаатлари ўртасидаги келишмовчилик туфайли манфаатлар қарама-қаршилиги келиб чиқиши ва бунда банк бошқаруви ва назорат органлари ва (ёки) унинг ходимлари ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларининг бузилиши ҳолатларига йўл қўйилиши мумкин. Бундан ташқари, банк акциядорлари орасидаги манфаатлар қарама-қаршилиги (корпоратив қарама-қаршилик), банк бошқаруви ва назорат органлари ва акциядор (акциядорлар) манфаатлари орасида манфаатлар қарама-қаршилиги келиб чиқиши мумкин.

4. Ушбу Низомда манфаатлар қарама-қаршилиги келиб чиқиши билан боғлиқ қуйидаги:

- мажоритар акциядорлар (акцияларнинг йирик пакетларига эга бўлган акциядорлар) ва миноритар акциядорлар (у қадар катта бўлмаган миқдордаги акцияларга эга бўлган акциядорлар) ўртасидаги;

- банк бошқарув органи билан банкнинг акциядори (акциядорлари) ўртасидаги;

- банк бошқарув органлари ва банк назорати органлари, банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ва мижозлар ўртасидаги;

- банк билан банкнинг мансабдор шахслари, ходимлари ўртасида улар хизмат вазифаларини бажараётганларида юзага келадиган низоли вазиятлар тартибга солинади.

2-боб. Низомнинг таъсири доирасидаги шахслар

5. Мазкур Низомнинг талаблари банкнинг бошқарув ва назорат органлари ҳамда ходимларига, улар эгаллаган лавозимидан қатъий назар барчага тааллуқлидир.

6. Банк билан фуқаролик - ҳуқуқий шартнома асосида ҳамкорлик қилувчи жисмоний шахслар, агарда тегишли мажбуриятлар улар билан тузилган шартномаларда ёки банкнинг ички қоидаларида белгиланган бўлса ушбу Низомга риоя қилиш талаби уларга тааллуқлидир.

3-боб. Банкда манфаатлар қарама-қаршиликларини бошқаришнинг асосий тамойиллари

7. Банкда манфаатлар қарама-қаршиликларини бошқаришда қуйидаги тамойилларга таянилади:

- манфаатлар орасидаги реал ёки потенциал қарама-қаршиликларга оид маълумотларни очишнинг мажбурийлиги;

- манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ ҳар бир ҳолат аниқланганида уни индивидуал равишда кўриб чиқиш ва банк нуфузига зарар етказиши хатарларини баҳолаш ҳамда ҳал қилиш;

- манфаатлар қарама-қаршиликларига оид маълумотларни очиш жараёни ва уни ҳал қилишнинг қатъий маҳфийлигини таъминлаш;

- манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қилишда банк бошқаруви ва назорат органлари ҳамда унинг ходимлари манфаатлари мувозанатига риоя қилиш;

- ходим томонидан ўз вақтида аниқланган ва банк томонидан ҳал қилинган (олди олинган) манфаатлар қарама-қаршилиги ҳақида маълум қилгани муносабати билан шахснинг таъқиб қилинишидан ҳимоя қилиш.

4-боб. Манфаатлар қарама-қаршиликларининг келиб чиқиш сабаблари

8. Банкнинг мажоритар ва миноритар акциядорлари ўртасида, банк бошқаруви органлари ва акциядорлари ўртасида қуйидаги сабабларга кўра манфаатлар қарама-қаршиликлари келиб чиқиши мумкин:

- қонунчилик, норматив ҳужжатлар ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларига риоя қилмаслик;

- миноритар акциядорларнинг банк фаолияти ва акциядорларнинг умумий йиғилиши ва банк Кенгаши томонидан қабул қилинадиган қарорларга жиддий таъсир кўрсата олмаслиги;

- ваколатли бошқарув органлари билан олдиндан келишилмаган ҳолда йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузилиши;

- бошқарув органлари томонидан банкнинг молиявий ҳолатига путур етказиши мумкин бўлган қарорларнинг қабул қилиниши;

- банк бошқаруви органларига кирган шахслар томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ бошқа ташкилотлар бошқаруви органларида эгаллаган лавозимлари ҳақидаги, бошқа жамиятлардаги улушлар (акциялари)га эгалик қилишлари ҳақидаги маълумотларнинг берилмаслиги ёки тўлиқ берилмаслиги.

9. Бошқарув органлари ва назорат органлари мансабдор шахслар, ходимлар ва мижозлар ўртасида қуйидагилар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган манфаатлар қарама-қаршиликлари:

- қонунчилик талабларига, банкнинг таъсис ҳужжатлари ва ички меъёрий ҳужжатларига риоя қилмаслик;

- банк акциядорлари манфаатлари устуворлиги тамойилига амал қилмаслик;

- иш мулоқоти меъёрлари ва касбий ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;

- банк ёки/ва мижозлар томонидан шартнома мажбуриятларининг бажарилмаслиги;

- қонунчилик ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилмаслиги.

10. Банк мансабдор шахслари ва ходимлари ўртасида қуйидагилар натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган манфаатлар қарама-қаршиликлари:

- қонунчилик талаблари ва банкнинг ички ҳужжатлари талабларининг бузилиши;

- иш мулоқоти меъёрлари ва касбий ахлоқ тамойилларига риоя қилмаслик;

- банк билан ишбилармонлик муносабатларида бўлган бошқа компанияда молиявий манфаатларининг мавжудлиги;

- бошқа ташкилотда раҳбар, мансабдор шахс сифатида ўриндошлик асосида ишлаши ёки унинг бошқарув органларида иштирок этиши;

- шахсий манфаатларни кўзлаган ҳолда банк манфаатлари зиёнига бошқа ташкилотларга ишбилармонлик имкониятларининг тақдим этилиши.

5-боб. Манфаатлар қарама-қаршиликларининг олдини олиш

11. Банкнинг ушбу Низоми ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларида манфаатлар қарама-қаршиликларининг олдини олиш механизмлари кўзда тутилган.

12. Ҳар қандай кўринишдаги манфаатлар қарама-қаршиликларининг олдини олиш мақсадида банк бошқарув органлари, назорат органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларни бажаришлари шарт:

- қонунчилик, банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари ва ушбу низом талабларига риоя қилиш;

- ўрта ва узоқ муддатли даврларда банкнинг барқарор даромадлигига эришишни таъминлаш;

- манфаатлар қарама-қаршиликларини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳаракатларни амалга ошириш ва қарорларнинг қабул қилинишидан сақланиш.

- банкнинг самарали бошқарувини таъминлаш;

- банкнинг ноқонуний фаолият, шу жумладан жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаш билан боғлиқ фаолиятга жалб этилиши имкониятларини бартараф этиш;

- банк хизмати кўрсатиш соҳаларида имкон қадар юқори натижаларга эришишни таъминлаш;
- ҳар чорақда бошқарув органлари олдида қонунчиликка мувофиқ ҳисоботлар бериб туриш;
- банк Устави ва ички меъёрий ҳужжатларга мувофиқ равишда ички ва ташқи назоратни амалга ошириш;
- суммаси қонунчиликда белгиланган миқдорлардан ошадиган йирик битимларни, алоҳида битимлар ёки бир-бирлари билан боғлиқ бўлган битимларни банк Кенгашига кўриб чиқиш учун тақдим қилиш;
- назорат органлари томонидан йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларнинг шартларини ўрганиш;
- зарурат пайдо бўлган ҳолларда, банк Кенгаши томонидан қонунчилик талабларига мувофиқ равишда битимларнинг тузилиши маъқулланган ҳолларда, мулкнинг бозор нархини аниқлаш учун мустақил баҳоловчини жалб қилиш;
- афилланган шахсларга оид маълумотларнинг рўйхатга олинишини таъминлаш;
- қуйидагилар билан тузиладиган битимларни ишлаб чиқиш ва уларнинг амалга оширилиши тартибига риоя қилинишини таъминлаш:
 - а) аффилланган шахслар билан;
 - б) банк акциядорлари ва уларнинг аффилланган шахслари билан;
- аффилланган шахслар билан банкнинг ваколатли органлари томонидан олдиндан маъқулламасдан йирик битимлар ва битимлар тузмаслик;
- юқори органларнинг рухсатисиз бошқа юридик шахсларнинг бошқарув ва назорат органларида лавозимларни эгалламаслик;
- банк фаолиятига оид маълумотларни амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ ва қўшимча маълумотларни банк ахборот сиёсати тўғрисидаги Низомига мувофиқ равишда ошкор этиш;
- акциядорлар ва мижозлар, тартибга солиш органлари ва назорат органлари ва бошқа манфаатдор шахсларга тақдим этиладиган, шу жумладан реклама мақсадларида тақдим этиладиган бухгалтерия

ҳисоботлари ва эълон қилинадиган бошқа маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш;

- банк маълумотларини олиш учун рухсатга эга бўлган шахслар томонидан банк маълумотларидан шахсий мақсадларда фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириб бориш;

- банк ҳақида оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбаларда эълон қилинган салбий маълумотларнинг тўғрилиги ва объективлигини ўз вақтида кўриб чиқиш. Салбий ва ишончсиз маълумотларнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ ҳар бир фактга нисбатан ўз вақтида муносабат билдириш;

- банк ички назорати тизимидаги камчиликларни аниқлашда иштирок этиш;

- банк бошқаруви ва назорат органлари аъзоларига тўланадиган меҳнат ҳақининг банк молиявий аҳволи ҳамда банк фаолиятида эришилган натижаларнинг режа кўрсаткичларга қанчалик мувофиқлигини (адекватлигини) таъминлаш;

- касбий ва корпоратив ахлоқ тамойилларига амал қилиш.

13. Банк акциядорлари, шунингдек бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршиликларининг олдини олиш мақсадида бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, банк ходимлари қуйидагилар учун масъулдирлар:

- мажоритар ва миноритар акциядорларнинг Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, банк Устави ва ички меъёрий ҳужжатларида қайд этилган ҳуқуқларига риоя қилиш;

- қонунчиликка мувофиқ ошкор этилиши лозим бўлган маълумотларни акциядорларга ўз вақтида тақдим этиш;

- ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўлаб бориш;

- акциядорларга қарама-қаршилик предмети бўлиши мумкин бўлган барча масалалар бўйича батафсил маълумотларни тақдим этиш;

- бошқа жамиятларнинг акциялари (улушлари)ни сотиб олишда банк бошқарув органлари аъзолари бундай битимларнинг тузилишидан манфаатдор бўлган ҳолатларни, ҳамда бундай шахсларнинг бошқарув органларидаги иштирокини аниқлаш;

- Бошқарув билан боғлиқ қарорларнинг объективлиги, мувофиқлиги ва мустақиллигини таъминлаш мақсадида банк Кенгаши таркибига мустақил аъзоларнинг тайинланишига интилиш.

14. Банкнинг бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари билан мижозлар ўртасидаги манфаатлар қарама-қаршилиқларининг олдини олиш мақсадида банк бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслари, ходимлари қуйидагиларни амалга оширишлари лозим:

- банк тўғрисидаги маълумотларнинг белгиланган тартибда тақдим этилишини таъминлаш;

- махфий ва бошқа муҳим маълумотлардан фойдаланиш тартибига қатъий риоя қилиш;

- банк хизмати кўрсатишда мижоздан шартномада ўзаро келишилган асосда белгиланган ҳажмда ёки тасдиқланган тарифлар бўйича ҳақ олиш;

- банк обрўсига салбий таъсир кўрсатишга қодир бўлган мижозлар билан битимлар тузилишига йўл қўймаслик;

- ўз мижозлари учун малакали ва сидқидилдан хизмат кўрсатиш;

- ходимлар томонидан, мижоз хатога йўл қўйганлиги аён бўлган ҳолларда (шу жумладан, мижоз томонидан имзоланган ариза, шартнома ва бошқа ҳужжатларда хатоларга йўл қўйилганида), вазиятдан онгли равишда шахсий манфаатларни кўзлаб фойдаланиш ҳолларига йўл қўймаслик, бундай хато юзага келган ҳолатларда банк ходими ушбу ҳужжат бўйича амалиётлар бажарилишининг олдини олиш борасида оқилона иш кўриши ва мижозни бундан хабардор қилиши керак;

- мижозга берилган тавсияларнинг ушбу масалага доир мавжуд маълумотларнинг виждонан қилинган таҳлилига асосланишини таъминлаш;

- банк фаолияти давомида яратилган, олинган ва йиғилган маълумотларни сақлаш тизимини бошқарув органлари ёки ваколатли

мансабдор шахсларнинг рухсатисиз банкда қоғоз, магнит ва бошқа турдаги маълумот базаларида сақланадиган ва хизмат маълумотлари ёки банк сирини тоифасига киритилган маълумотларнинг сотиш, ўтказиш, нусха кўчириш, кўпайтириш, алмашиш ва бошқа турдаги тарқатиш ва тиражлаш предметига айланишига йўл қўймаслик мақсадида такомиллаштириш.

15. Банк мансабдор шахслари ва ходимлари ўртасида хизмат вазифаларини бажариш чоғида манфаатлар қарама-қаршиликлари келиб чиқиши ҳолатларининг олдини олиш учун банк мансабдор шахслари ва ходимлари қуйидагиларни бажаришлари лозим:

- шартномаларни ўрнатилган тартибга кўра тузиш;
- бошқа жамиятларнинг улуши (акциялари)ни сотиб олиш истаги ҳақида ўзидан юқори лавозимда бўлган шахс ёки бошқарув ва назорат органларини хабардор қилиш;

- ўзидан юқори лавозимдаги шахсни манфаатлар қарама-қаршиликларини келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларнинг юзага келаётгани ҳақида ўз вақтида хабардор қилиш;

- мансабдор шахс ёки унинг оила аъзолари йирик молиявий манфаатга эга бўлган ва тижорат фаолияти олиб бораётган ёки олиб бориш режасида бўлган ташкилотлар ҳақида ўзидан юқори лавозимда бўлган мансабдор шахсни ёзма равишда хабардор қилиш;

- мансабдор шахс ёки унинг оиласи аъзолари йирик молиявий манфаатга эга бўлган ёки афилланган шахси бўлган ташкилотлар ва банк ўртасидаги муносабатларга бевосита таъсир қиладиган ҳар қандай фаолиятга жалб этилмаслик;

- манфаатлари банк манфаатларига зид бўлиши мумкин бўлган бошқа ташкилот бошқарув органларида иштирок этиш учун банкнинг юқори органларидан олдиндан рухсат олиш;

- бошқа ташкилотда ўриндошлик асосида ишлаш ниятида эканлиги ва кўзланган иш банк манфаатларига зид эмаслиги ҳақида таркибий бўлинма раҳбарини хабардор қилиш.

6-боб. Манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қилиш

16. Банкда юзага келадиган манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қилиш учун банкнинг бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар ва ходимлар айти пайтда қонуний ва банк манфаатларига жавоб берадиган ечимни топиш мақсадида барча чораларни кўрадилар.

17. Мансабдор шахслар акциядорлар ва мижозларнинг банк бошқарув ва назорат органларига ҳамда таркибий бўлинмалар номига келиб тушадиган хатлар, аризалар, талаблар (шу жумладан оғзаки равишда билдирилган талаблар)ни рўйхатга олиш ва уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини таъминлашлари лозим.

18. Корпоратив қарама-қаршиликларни рўйхатга олиш ишлари банк корпоратив котиби зиммасига юклатилади. Банк корпоратив котиби корпоратив қарама-қаршиликларга олдиндан баҳо беради, масаланинг туб моҳиятига оид зарур ҳужжатларни тайёрлайди. Банк банк Кенгаши билан келишилган ҳолда барча ҳужжатларни ушбу корпоратив қарама-қаршиликларни кўриб чиқиш ваколатлари берилган банк органига топширади.

19. Корпоратив котиб тез-тез келиб чиқадиган манфаатлар қарама-қаршиликларини таҳлил қилади, унинг қатнашчиларига қўшимча маълумотларни тақдим этиш борасидаги қарорларни қабул қилади ва/ёки банкнинг ваколатланган органи раҳбарига бу сингари қарама-қаршиликларнинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш мақсадида ички тартиб ва йўриқномаларга ўзгартишлар киритиш, бошқа турдаги тадбирларни ўтказиш борасидаги таклифларини киритади.

20. Мижоз ёки бошқа манбадан манфаатлар қарама-қаршиликлари ҳақида маълумот олган ходим бу ҳақда зудлик билан ўзидан юқори таркибий бўлинма раҳбарини хабардор қилиши зарур. Манфаатлар қарама-қаршиликларини таркибий бўлинма доирасида ҳал қилиш имкони бўлмаган ҳолларда, таркибий бўлинма раҳбари бир иш куни мобайнида банк Бошқаруви Раиси ёки унинг ўринбосарига манфаатлар қарама-қаршиликлари ва унинг келиб чиқиши сабаблари, кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши лозим. Банк Бошқаруви Раиси ёки унинг

ўринбосари манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қилиш тартибини белгилайди, ваколатланган шахсни тайинлайди. Зарурат пайдо бўлган ҳолларда манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун комиссия тузилади.

21. Ваколатли шахс манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қилиш учун зарур бўлган барча чораларни кўради. Манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қилиш имкони бўлмаган ҳолларда банк Бошқаруви Раиси масаланинг банк Кенгаши томонидан кўриб чиқилиши масаласини киритади ҳамда барча маълумот ва ҳужжатларни банк Кенгаши Раисига топширади.

Ушбу маълумот ва ҳужжатлар банк Кенгаши қошидаги, манфаатлар қарама-қаршиликларини аниқлаш ва уларни ҳал қилиш учун тузилган ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилади.

22. Ўз ривожининг бирор босқичида банк Бошқаруви Раиси ёки унинг ўринбосарлари манфаатларига даҳл қилган ёки даҳл қилиши мумкин бўлган манфаатлар қарама-қаршиликлари ҳақидаги маълумотларни уч иш куни мобайнида тегишли қарор чиқарилиши учун банк Кенгашига топширилади. Шундан сўнг масала ишчи гуруҳ томонидан кўриб чиқилади ва ушбу масала юзасидан чиқарилган хулоса кузатув гуруҳига тақдим этилади.

23. Агар манфаатлар қарама-қаршиликлари ҳолатларини кўриб чиқиш давомида банкнинг амалдаги ички меъёрий ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш зарурати пайдо бўлса, банк Кенгаши ёки банк Бошқаруви ҳужжатни ишлаб чиқиш ҳақидаги ёки бундай ўзгартишларни киритиш ҳақидаги қарорни қабул қилади.

24. Банкда келиб чиқадиган ҳар қандай турдаги манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қилиш учун банк бошқаруви органлари қуйидагиларни бажаришлари лозим:

- келиб чиқаётган манфаатлар қарама-қаршиликларини имкон қадар тез аниқлаш ва уларнинг сабабларини топиш;
- банк бошқарув органлари ваколатлари ва масъулиятлари доирасини аниқ белгилаш;

- банкнинг ваколатли шахсини белгилаш, зарурат туғилган пайтларда манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қилиш ҳайъатини тузиш;

- имкон қадар қисқа муддатларда банкнинг манфаатлар қарама-қаршиликлари моҳияти юзасидан тутган ёндашувини белгилаш, тегишли қарорни қабул қилиш ва уни манфаатлар қарама-қаршиликлари қатнашчиларига (томонларига) етказиш;

- манфаатлар қарама-қаршиликларининг бошқа қатнашчисига (томонига) банкнинг манфаатлар қарама-қаршиликларига ёндашувини аниқ асослаб берувчи тўлиқ ва батафсил жавобини юбориш. Манфаатлар қарама-қаршиликлари қатнашчисининг талабини қондирмаслик ҳақидаги хатда эса буни асословчи амалдаги қонунчилик, норматив актлар, банк акциядорларининг умумий йиғилишида тасдиқланган низом ва ички меъёрий ҳужжатлар келтирилиши лозим.

- Манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал этишда иштирок этган ваколатли шахс томонидан манфаатлар қарама-қаршиликлари унинг ёки оиласи аъзоларининг манфаатларига даҳл қилаётганлиги ёки даҳл қилиши мумкинлиги ҳақида зудлик билан хабар беришини таъминлаш;

- ушбу манфаатлар қарама-қаршиликлари юзасидан чиқариладиган қарорларда манфаатлари даҳл қилинган ёки даҳл қилиниши мумкин бўлган шахсларнинг иштирок этмасликларини таъминлаш.

25. Банк бошқаруви органлари ва акциядорлар орасидаги манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қилиш учун:

- банк Кенгашининг мустақил аъзоси банк акциядорлари ўртасида келиб чиққан манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қилишда воситачи сифатида жалб этилиши мумкин;

- ваколатли шахс ёки банкнинг ваколатли органи акциядорлар ўртасидаги музокараларда қатнашиши, акциядорларга ўз тасарруфларида бўлган ва манфаатлар қарама-қаршиликларига даҳлдор бўлган маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиши, қонунчилик, низом ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатлари талабларини тушунтириб бериши мумкин;

- банкнинг ваколатли органлари ёки ваколатли шахслари акциядорларга маслаҳатлар ва тавсиялар беришади, акциядорлар

томонидан имзоланиши учун манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қилиш ҳақидаги ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайдилар, банк номидан ўз ваколатлари доирасида акциядорлар олдида манфаатлар қарама-қаршиликларини ҳал қила оладиган меъёрда мажбуриятларни қабул қиладилар;

- банк бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида корпоратив қарама-қаршиликларни ҳал қилиш ҳақидаги қарорнинг бажарилишини ташкиллаштириши ва банк номидан манфаатлар қарама-қаршиликлари қатнашчиси билан имзоланган шартноманинг бажарилишига ёрдам кўрсатиши керак. Манфаатлар қарама-қаршиликлари қатнашчиси (томони) ва банк орасида мажбуриятларнинг моҳияти юзасидан низо мавжуд бўлмаса, аммо уларнинг бажарилиш тартиби, услуби, муддатлари ва бошқа шарт-шароитлари устидан келишмовчилик келиб чиқса, банк манфаатлар қарама-қаршиликлари қатнашчисига (томонига) юзага келган келишмовчиликни ҳал қилишни таклиф этиши ва банк акциядорнинг шартларини қондириши учун бажарилиши керак бўлган шартларни баён қилиши лозим.

- агар банкнинг акциядор талабини қондиришга розилиги банк томонининг қонун ҳужжатлари, Устави ёки банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида кўзда тутилган у ёки бу ҳаракатларнинг бажарилиши билан боғлиқ бўлса, бундай ҳолатларда банкнинг жавобида бу шартлар тўла-тўқис равишда кўрсатилиши, шунингдек уларнинг бажарилиши учун зарур бўлган маълумотлар (масалан, акциядор томонидан сўралган ҳужжатлар ёки банк реквизитлари ва бошқаларнинг нусхаларини тайёрлаш учун қилинадиган тўловлар миқдори) маълум қилинади.

26. Ушбу чоралар рўйхати узил-кесил ҳисобланмайди. Ҳар бир муайян ҳодисада манфаатлар қарама-қаршиликларининг келиб чиқишига қараб, уларни ҳал қилишнинг бошқа шакллари бўлиши мумкин.

7-боб. Якуний қоидалар

27. Ушбу Низом ва унга киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар акциядорларнинг умумий йиғилишида овозларнинг оддий кўпчилиги билан қабул қилинади.

28. Ушбу Низомнинг алоҳида моддалари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига ва/ёки банк Уставига зид келса бундай моддалар кучга эмас ва бу моддалар тартибга соладиган масалаларда ушбу Низомга тегишли ўзгартишлар киртилгунига қадар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва /ёки банкнинг Уставига амал қилинади.

«ТУРОНБАНК» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАГИ ЙИЛЛИК
ҲИСОБОТ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИНING
ҚАРОРИ

2016 йил 25 июн
соат 11:00

АС-1/15


Тошкент шаҳри
Абай кўчаси, 4а-уй

«Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг «Ички назорат тўғрисида»ги, «Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида»ги ва «Ахборот сиёсати тўғрисида»ги Низомларни тасдиқлаш

















«Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг «Ички назорат тўғрисида»ги, «Манфаатлар қарама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисида»ги ва «Ахборот сиёсати тўғрисида»ги Низомлари тасдиқлансин.

«Туронбанк» АТБ
акциядорлари умумий
йиғилиши Раиси

 Б.Олимжонов



Келишилган:

Бошқаруви Раиси в.в.б		Ч.С.Мирзаев
Бошқарув Раиси ўринбосари		А.А.Мухутдинов
Бошқарув Раиси ўринбосари		Н.Н.Сайдуллаев
Бош бухгалтер		Х.Ф.Турсунов
Ҳазначилик ва қимматли қоғозлар департаменти директори		А.Т.Тошев
Ички аудит департаменти директори		Ш.Ш.Ишпулатов
Ички назорат департаменти директори		З.Я.Ибрагимов
Кредитлаш департаменти директори		Д.А.Маматкулов
Ташқи иқтисодий фаолият департаменти директори		Б.О.Тангматов
Пул муомаласи департаменти директори		А.Т.Рискулов
Ахборот технологиялари департаменти директори		А.Э.Назаров
Банк рискларини бошқариш ва стратегик ривожлантириш департаменти директори		Ж.Д.Мирзаев
Ходимлар билан ишлаш департаменти директори		У.Қ.Газахунов
Ижронин назорат қилиш бошқармаси бошлиғи		О.Р.Эргашев
Методология департаменти директори		И.Т.Саломов
Юридик хизмати департаменти директори в.в.б		О.А.Муминов

Пронумеровано, прошнуровано _____ листов

Вр.и.о. Председателя Правления _____

Главный бухгалтер _____

